

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва шарқ мумтоз адабиёти
кафедраси профессори, филология фанлари
доктори
zohidiy@yandex.ru

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИҲ” АСАРИ ВА УНИНГ НОДИР ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

IMAM BUKHARI'S «AL-JAMI' AS-SAHIH» AND ITS RARE MANUSCRIPTS

“АЛЬ-ДЖАМИЪ АС-САХИХ” ИМАМА БУХАРИ И ЕГО РЕДКИЕ РУКОПИСИ

Аннотация: Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари эътироф этилган ишончли ҳадислар тўпламларининг биринчиси ҳисобланади. Ислон таълимотининг иккинчи манбаси сифатида танилган бу асар кўплаб нусхаларда кўчирилган ва унинг қўлёзмалари дунёнинг турли мамлакатларидаги фондларда сақланмоқда. Дастлабки тадқиқот натижасида асарнинг 34 та мамлакатдаги 71 фондда 896 та нусхаси мавжудлиги аниқланган. Бу нодир қўлёзмаларнинг асосий қисми XIII-XVIII асрлар оралигида китобат қилинган. Уларнинг орасида эътиборга молик нодир нусхалар ҳам мавжуд.

Калит сўзлар: “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, ҳадис, қўлёзма, нусха, фонд, сақланиш рақами, аср.

Аннотация: “Аль-Джамиъ ас-сахих” Мухаммада ибн Исмаила Бухари является первым из признанных сборников достоверных хадисов. Этот труд, известный как второй источник исламских учений, был скопирован во многих экземплярах, а его рукописи хранятся в коллекциях в разных странах мира. Предварительные исследования показали, что произведение насчитывает 896 экземпляров в 71 коллекции в 34 странах мира. Основная часть этих редких рукописей была написана между XIII-XVIII веками. Среди них есть замечательные редкие экземпляры.

Ключевые слова: «аль-Джамиъ ас-сахих», хадис, рукопись, список, фонд, инвентарный номер, век.

Abstract: Muhammad ibn Ismail Bukhari's “al-Jami' as-Sahih” is the first book of the authentic

hadith collections. As the second source of Islamic teaching, this book has been copied several times and its manuscripts are kept in various funds of the world. In a result of preliminary researches, its 896 copies in 71 funds of 34 countries were explored. Lots of these rare manuscripts were copied in the XIII-XVIII centuries. There are remarkable copies among these copies.

Key words: “al-Jami' as-Sahih”, hadith, manuscript, source, fund, storage number, century.

КИРИШ

Ҳадис илмининг султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Мағийра ибн Бардазбеҳ Жуъфий Бухорий инсоният тарихида ўзининг тарихий хизматлари билан юксак мақомларга эришган буюк алломалардан ҳисобланади. Имом Бухорий ислом таълимотининг назарий асосларидан бўлган Муҳаммад (а.с.)нинг ҳадисларини жамлаш ва уларни амалий истифодага киритиш жараёнини илмий асосга солиб тизимлаштирди ва уларни эътикод килувчилар учун дастуру-ламалга даражасига етказди.

Имом Бухорий хижрий 194 йил шаввол ойининг 13-куни – милодий 810 йил 20 июлда туғилган. Ёш Муҳаммад ёшлигидан ақлидрокли, ўткир зеҳнли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллайди. Олим тўққиз ёшидан бошлаб ўз юртидаги турли ривоятчилардан эшитган ҳадисларни, шунингдек, Абдуллоҳ ибн Муборак ва Вакий каби олимларнинг ҳадис тўпламларини мутолаа қилиб, ёдлаган, устози Шайх Доҳилӣ билан ҳадис ровийлари ҳақидаги баҳсларда қатнашган.

АСОСИЙ ҚИСМ

825 йили ўн олти яшар Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга йўл олади, муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, олти йил Ҳижозда, кейинчалик Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшаб, ҳадис илмидан ўз билимини янада оширади, у жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис, шунингдек фикҳ илмидан ҳам таълим олади, йирик олимлар даврасида илмий баҳсларда қатнашади ва илм толибларига дарс ҳам беради [7: 393-394]. Имом Бухорий ҳаётининг кўп қисми хорижий элларда, мусофирчиликда ўтди. Бу ҳақда унинг ўзи: “Миср, Шом, Месопатамияга икки мартадан,

Басрага тўрт марта борганман. Хижозда олти йил яшаганман, Бағдод ва Куфа шаҳарларига неча марта борганим ҳисобини билмайман”, деган экан.

Нишопурлик Ҳакимнинг ёзишича, Имом Бухорий тўксондан ортиқ олимлардан билим олган, тўксон мингдан зиёд олимлар уни устоз санаганлар. Исҳоқ ибн Муҳаммад Рамодий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Маснадий, Муҳаммад ибн Халиф ибн Кутайба, Иброҳим Ҳарбий, Абу Исо Термизий, Муҳаммад ибн Наср Марвазий, Муслим ибн Ҳажжож каби етук шогирдлари ҳадисшунослик илмининг дарғаларидан саналади [3: 58-59].

Абу Исо Термизий Имом Бухорийга ҳам шогирд, ҳам сафдош ҳисобланиб, уларнинг ўзаро муносабатлари ибратли бўлган. Узоқ йиллар Шарқнинг турли мамлакатларига сафар қилгандан кейин, умрининг охирларида 863-868 йиллари Имом Бухорий Нишопурда яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс берган. Ўша вақтда Нишопур йирик илмий марказлардан бирига айланган ва кўп машҳур олимлар шу ерда тўпланган эдилар. Бухорий Термизий билан айнан Нишопурда учрашган, диёримиздан чиққан икки машҳур муҳаддис ўртасида унутилмас, қизғин илмий баҳслар, кўпдан-кўп ижодий, дўстона учрашувлар бўлиб ўтган. Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни Бухорий билан учрашувларидан олган. Шу билан бирга Бухорий ҳам Термизийнинг билимини юқори баҳолаб: “Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқ”, деб унга нисбатан чуқур ҳурматини билдирган. Термизий ўз устози ва сафдоши Бухорийни бутун умри давомида ҳурматлаб, унга самимий садоқатда бўлган. Тарихчи Шамсуддин Заҳабийнинг “Тазкиратул-хуффо” – “Ҳофизлар тазкираси” номли асарида ёзишича, Термизий ўз устозининг вафоти туфайли қаттиқ қайғуга ботиб “кўп йиғлаганидан ҳатто кўзлари кўр бўлиб қолиб, узоқ йиллар кўзи ожиз ҳолда яшади”.

Имом Бухорий нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқ-атвори, мурувватлилиги ва беқиёс саховатлилиги билан бошқалардан ажралиб турган. У зехни ўткирлиги ва ёдлаш қобилиятининг кучлилиги билан ҳам халқ орасида шухрат қозонган [5: 65-66]. Манбаларда Имом Бухорийнинг 600 мингга яқин ҳадисни ёд билгани қайд қилинган.

Имом Бухорий юртига қайтгач, 256/870 йил 1 сентябрда 60 ёшида Самарқанднинг Хартанг қишлоғида вафот этади ва шу ерда дафн қилинади.

Имом Бухорий илмий аҳамиятга молик нодир маънавий мерос яратган, у ҳозирга қадар аниқланган йигирма тўртта асар ёзган. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “ал-Адаб ал-муфрад”, “ат-Тарих ас-сағир”, “ат-Тарих ал-авсат”, “ат-Тарих ал-кабир”, “Китоб ал-илал”, “Барру-л-волидайн”, “Асоми ус-саҳоба”, “Китоб ал-куна” ва бошқа асарлар олим илмий меросининг дурдоналаридан ҳисобланади [5: 61].

Дунё олимларининг эътирофига кўра “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” аллома илмий меросининг гултожиси саналади. Мазкур нодир асар ислом динининг асоси Қуръони каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади. Асар “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ал-муснад мин ҳадис Расулиллаҳи саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмиҳи” – “Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳадислари, суннатлари ва кунлари тўғрисида ишончли муснад тўплам” деб номланган. Манбаларда асар номининг ўзгарган шакллари ҳам учрайди. Жумладан, тарихчи Бадруддин Айний асар номини “ал-Жомеъ ал-муснад ас-саҳиҳ ал-мухтасар мин умури Расулуллоҳ-саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмиҳи” – “Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлари, суннатлари ва кунлари ҳақида қисқа муснад ишончли тўплам”, деб келтиради. Ҳадис илмида асар “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (Ишончли тўплам), аксар ҳолда эса “Саҳиҳ ал-Бухорий” номи билан машҳур. Дунё фондларида ушбу асарнинг минглаб нодир қўлёзма нусхалари сақланади.

Исломшунослик фанида “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ёзилишининг сабаблари ҳақида икки хил фикр мавжуд. Уларнинг биринчиси Иброҳим ибн Маъқал Насафийга (ваф. 854 й.) мансуб. Муаллиф Имом Бухорий номидан шундай ҳикоя қилади: “Бир кун биз Исҳоқ ибн Роҳавайҳнинг ҳузурида бўлгандик. Шунда у: “Биронтангиз Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳиҳ ҳадисларини мухтасар бир китоб тарзида жам қилсангиз эди”, деди. Бу гап менинг қалбимга чуқур ўрнашиб қолиб, ўшандан бошлаб “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асаримни ёзишга киришдим”.

Имом Нававий Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Фориснинг ҳикояси асосланиб қуйидаги мазмундаги иккинчи фикрни келтиради:

“Мен Имом Бухорий ҳазратлари шундай деганини эшитганман: “Тушимда Пайғамбар алайҳиссаломни кўрибман, гўёки мен у зотнинг қаршиларида турибману кўлимдаги елпиғич билан у зоти шарифдан нималарнидир ҳайдаяпман. Мен бу воқеа ҳақида тушнинг таъбирини айтувчилардан сўрасам, Сиз Пайғамбар алайҳиссалом қавллари кизбдан тозалангансиз, дейишди. Мана шу гап менинг зиммамга “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”ни ёзишни юклади” [14].

Имом Бухорий саҳиҳ ҳадисларни тўплашга жуда катта масъулият, илмийлик ва ҳалоллик билан ёндашган. У: “Ас-Саҳиҳ” китобимга таҳорат қилиб икки ракат намоз ўқимасдан туриб, биронта ҳам ҳадис киритмаганман”, дея таъкидлайди.

Олим ҳадисларнинг саҳиҳларини саралаб танлаб олиб, ўн олти йил давомида асарни ёзган. Тарихчи ибн Ҳажар Асқалоний: “Имом Бухорий бу йирик асарини ёзишни ва унинг асосий мундарижасини тузишни Маккада Байтуллоҳда бошлаган ва ўз она юрти Бухорода ниҳоясига етказиб оққа кўчирган”, деган маълумотни ёзади. Аллома ўз асарига киритган ҳадисларнинг маълум қисмини хорижий юртларда сафарда бўлганида тўлаган. У асарнинг ишончли манба сифатида шаклланишига алоҳида эътибор берган ва уни уч марта таҳрирдан сўнг ақунлаган.

Имом Бухорийнинг ҳадис илми ва унинг турли тармоқлари, ровийлар тарихларидан ҳар томонлама тўлиқ ва кенг қамровли илмга эга бўлиши, кўп сонли ва хилма-хил савиядаги устоз-шайхлардан ҳадислар ёзиб олганлиги ва қувваи ҳофизасининг кучлилиги, ноёб қобиляти ва фидойилиги алломага “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”дек илмий ва амалий жиҳатдан юксак савияда бўлган йирик асар яратиш имкониятини берди.

“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарини тузишда Имом Бухорий ҳадислар ровийларига алоҳида эътибор қаратади, жумладан, фақат энг ишончли олимлардангина қайта-қайта текшириб ҳадис ёзиб олган. Бу хусусда алломанинг ўзи “Минг ёки ундан ортиқ ишончли (сиқот) уламолардан ҳадис ёзиб олдим, менинг асаримга исноди келтирилмаган биронта ҳам ҳадис кирмаган”, деб таъкидлайди. Шу боисдан ҳадис ривоят қиладиган шахсларнинг аҳволлари, уларнинг насл-насаби, у ҳадисни ривоят қилган шахс

ва бошқа қатор масалаларни тўлиқ билгач, улардан ҳадис ёзиб олган. Бу ҳақида имом Бухорий “Бирон кишидан ҳадис ёзиб олишим бошқаларникига ўхшамас эди. Мен агар бирон шахсдан ҳадис ёзмоқчи бўлсам, энг аввало унинг исми шарифи, куняси, насл-насаби, айтаётган ҳадисининг манбасини, унинг нусхалари ҳақидаги хабарларни сўраб-суриштирар эдим, аммо бошқалар эса бу масалаларга кўп ҳам эътибор бермайдилар”, деб ёзади. Шу сабабли имом Бухорий бу асарни ўз даврининг буюк муҳаддислари саналган Али ибн Маданий (ваф. 234/847), Яҳё ибн Муъин (ваф. 233/843) ва Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/854)ларга ҳам кўрсатиб олган [3: 80-84].

Имом Бухорий ҳадисшуносликда “шартлар” номи билан аталадиган қоидаларни ишлаб чиққан. Унга кўра, ровийларнинг кетма-кетлиги узлуксиз – исноднинг муттасил, бўлиши, ҳадис ривоят қилувчининг мусулмон бўлиб ҳақгўй, адолат сифатларини ўзида мужассам қилган бўлиши, вазмин, ўткир зеҳнли, хато-нуқсонсиз, имон-эътиқоди комил инсон бўлиши лозим. Имом Бухорий мана шу шартлар асосида танланган саҳиҳ ҳадисларни “Саҳиҳ” асарига киритган. Машҳур муаррих Ибн Ҳажар Асқалоний бу ҳақида: “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”даги муаллақот ва мутобиат ҳадислардан бошқа мен, соф таҳрир қилган мукаррарлари (такрорланадиганлари) билан бирга кирган ҳадисларнинг умумий сони етти минг уч юз тўқсон еттита бўлиб, улардан таълийқга (муаллақлари) доирлари бир минг уч юз қирк бир ҳадисни ташкил қиладди. Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” китобига кирган ҳадислар такрорланадиганлари билан биргаликда жами бўлиб, тўққиз минг саксон икки ҳадисдан иборат. Бу ададга саҳобаларга тегишли (мавқуф) ҳадислар ва улардан кейинги тобеъийларга доир мактуотлар кирмайди”, деб ёзади.

“Саҳиҳ Бухорий”нинг ривоят тарихи ҳақида олимнинг энг машҳур шогирди Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Фирабий (231/845-320/922): “Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг “Саҳиҳ Бухорий” китобини муаллифнинг ўзидан тўқсон минг киши эшитган. Бу китобни Имом Бухорийнинг ўзидан ривоят қиладиган мендан бошқа бирор киши қолмади”, деб ёзган. Имом Фирабийнинг узоқ умр кўргани ва қўлидаги нусханинг аслиги, тўлиқлиги мазкур ривоятнинг машҳур бўлишига омил бўлган.

Асарнинг Фирабрий кўлёмасидан кўплаб мухаддис-шогирдлар таълим олган ва матнидан нусхалар кўчирилган. Имом Бухорийнинг шох асари “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”га ўттиздан ортик шарҳлар ва хошиялар ёзилган.

Ислом манбашунослиги бўйича амалга оширилган тадқиқотларда дунё фондларида “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” мингдан зиёд кўлёмалари мавжудлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Асарнинг кўлёмалари турли мамлакатлар ва даврларда китобат қилинган ҳамда ҳозирда хорижий мамлакатлар хазиналарида сақланмоқда. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” кўлёмалари каталогига дунёнинг 33 та давлатидаги 70 дан зиёд энг йирик фондлардаги 800 дан ортик нусхалари киритилди. Жумладан, Австрия Республикасидаги фондларда асарнинг 6 та кўлёмаси аниқланган бўлса, улардан 3 таси XV аср, 1 таси XVII аср, 2 таси XVIII асрларда китобат қилинган [8]. АҚШдаги фондларда 14 та нусха мавжуд, уларнинг XIV асрга – 2 та, XV асрга – 4 та, XVI асрга – 1 та, XVII асрга – 1 та, XVIII асрга – 6 таси мансуб [11; 12]. Афғонистон [1: 4, 74, 301, 316] ва Баҳрайнда [2: 52-55, 57, 89] 6 тадан нусха, Франция фондларида – 18 та [13], Эрон кўлёмаси фондларида – 14 та [9], БААда асарнинг 39 та кўлёмаси сақланади [10]. Туркиядаги Аё София, Фотиҳ, Лаълили, Дамад Иброҳим Пошша каби 12 кўлёмаси фондлари каталоглари ҳам ўрганиб чиқилди. Аё София фондида 36 та, Фотиҳ фондида 26 та, Лаълили фондида 10 та, Дамад Иброҳим Пошша фондида 35 та, жами 208 та кўлёмаси мавжудлиги аниқланди. Хорижий фондларда аниқланган 820 кўлёманинг асосий қисми XIV-XVIII асрларда китобат қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг 16 та кўлёмаси нусхаси сақланади. 7333-7340 рақамлар остида сақланаётган нусхаларга асарнинг 8 жузи киритилган ва улар Хива хони Саййид Исфандиёр Муҳаммад Баҳодирхон (1287/1871) амри билан кўчирилган. 1, 2, 3-жузлар 1329-30/1911-12 йиллари хаттот Домла Аваз Муҳаммад Охунд Ҳазораспий валади Домла Абдуғаффор томонидан кўчирилган ва саҳҳоф Муҳаммад Раҳим томонидан муқоваланган. 4, 5, 6, 7, 9 жузлар 1329-30/1911-12 йиллар

хаттот Домла Аҳмад Махдум Қори томонидан кўчирилган.

2813 рақам остида сақланаётган хаттот Сулаймон ибн Иброҳим Алавий томонидан кўчирилган ва 8975 рақам остида сақланаётган 81 варақдан иборат нусхаларнинг ҳар иккаласи ҳам зарҳал унвон билан безатилган [6: 126].

Фонддаги 2814 рақам остида сақланаётган нусхага Саҳиҳул Бухорийнинг 12-жузи киритилган ва Хаттот Сулаймон ибн Иброҳим Алавий томонидан кўчирилган [6: 127].

7961 рақамли ҳамда 8933 рақамли 81 варақдан иборат нусха Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар (1800-1826) даврига оид кўлёмалар бўлиб, уларда “Олийжаноб Подшоҳ Амир Ҳайдар ушбу нусхани ўқиш учун вақф қилди” 1224/1808 йил деб ёзилган. Демак, “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг ушбу кўлёмалари мадраса ва кутубхоналарга юртимизда ҳадис илмини ўрганиш мақсадида вақф қилинганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон мусулмонлар идораси кўлёмалар фондида “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг 3 та нодир кўлёмаси сақланмоқда. Улар орасида 1117/1705 йил Ҳиндистонда хаттот Абдулаҳад томонидан кўчирилган, 218 варақдан иборат 465 рақам остида сақланаётган нодир нусха, XVIII асрда кўчирилган, 677 варақдан иборат, нақшинкор муқовали 443 рақамли кўлёмаси, XVII асрда китобат қилинган, 304 варақли 455 сақланиш рақамли кўлёмалар мавжуд.

Самарқанд давлат университети кўлёмаси фонди № 1097650 рақам остида сақланаётган нусха 377 варақдан иборат. Кўлёмаси бошидаги унвонга тилла суви юритилган хошия билан жой ҳозирланган аммо безакли унвон берилмаган.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази кўлёмаси фонди № 25 рақам остида сақланаётган нусха 691 варақдан иборат. Муқоваси яшил рангли картондан, қизил рангли лола ва турунжли.

Демак, Ўзбекистон кўлёмаси фондларида Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг 21 та матншуносликнинг нодир намуналари саналган асосан XVII-XIX асрларда китобат қилинган нусхалари сақланади.

“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг дунё фондлари сақланаётган Имом Бухорий яшаган даврга яқин бўлган 10 яқин нодир нусхалар аниқланган. Мазкур асар кўлёмаларини излаш ва аниқлаш, тадқиқ этиш ишлари дунё

олимлари томонидан давом этаётганлиги боис бу сон якуний сифатида қабул қилинмайди.

Асарнинг ҳозирга қадар аниқланган нусхалари орасида энг қадимий нусхалардан бири сифатида Болгария миллий кутубхонасида №801 рақам остида сақланаётган 407/1017 йилда хаттот Али ибн Муҳаммад Ишлимий томонидан кўчирилган 109 варақдан иборат манбани келтириш мумкин. Даврийлик нуқтаи назаридан кейинги китобат қилинган қўлёзма Мисрнинг Азҳария кутубхонасида №4300 рақам остида сақланаётган 141 варақли 507/1113 йилда хаттот Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Искандарий Шофиъий томонидан кўчирилган мўътабар нусха саналади.

Асарнинг тарихан кейинги қўлёзмалари орасида 550/1155 йил кўчирилган 2 та нусха аниқланган. Уларнинг биринчиси Туркиянинг Мурод Мулла кутубхонасида №577 рақам остида сақланаётган нусха. У 260 варақдан иборат. Қўлёзманинг 1-саҳифасида унинг Муҳаммад ибн Юсуф Фирабрий ривоятдан ёзилганлиги ва Абу Муҳаммад Ҳаммуий, Абу Исҳоқ Мустамлий ва Абу Зар Абул Ҳайсам Маккий Кушмиҳанийларнинг номлари келтирилган. Мазкур нусханинг факсимилеси 2018 йил Истанбулда ISAM томонидан чоп этилган.

Иккинчи нусха Германиядаги Берлин давлат кутубхонасида 1326 сақланиш рақами остида рўйхатга олинган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 263 варақни ташкил этади. Манба хотимасидаги маълумотга кўра, қўлёзма 550/1155 йил китобат қилинган. Қўлёзманинг асосий матни насх хатида қора сиёҳда, сарлавҳа номлари қизил сиёҳда кўчирилган. Муқоваси қалин картондан ишланган, устига оч сариқ рангли қоғоз ёпиштирилган. Таяки ва дастаки қисмлари жигар рангли чармдан ишланган.

“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг Туркиянинг Нур Усмания кутубхонасида олдинги нусхалардан юз йил кейин 653/1255 йилда китобат қилинган 703 сақланиш рақамли нусха мавжуд. Қўлёзма умумий ҳажми 419 варақдан иборат. Нусханинг бошланғич варағида асарнинг “Китоб ул-имон”дан “Китоб ут-тавҳид”гача бўлган мундарижаси келтирилган [4: 40].

Асарнинг яна бир нодир қўлёзмаси Туркиянинг Турхон Султон кутубхонасида сақланади. 1168 сақланиш рақамли мазкур нусха “Муснаду-с- Саҳиҳи-л-жомиъ”деб номланган.

Китобга асарнинг 1-жузи киритилган ва 763/1363 йилда кўчирилган бўлиб, 376 варақдан иборат.

ХУЛОСА

Қўлёзма нусханинг муҳим жиҳатларидан бири Имом Бухорийдан кейин Абу Муҳаммад ибн Юсуф Фирабрийдан тўққизинчи ровий Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ақулийгача бўлган ровийларнинг номлари ҳам санаб кўрсатиб ўтилган.

“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”тўпламининг хорижий фондлардаги қўлёзмалари ҳақида тўпланган маълумотлар асарнинг дунёнинг 34 мамлакатларидаги 71 фондда 896 та нусха мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу нодир қўлёзмаларнинг асосий қисми XIV-XVIII асрлар оралиғида китобат қилинган. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари қўлёзма нусхаларини аниқлаш исломшунослик, ҳадисшуносликнинг галдаги муҳим вазифаларидан саналади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Manuscripts D'Afghanistan par S. De laugier de beaureguell, O.P. Le Caire imprimerie de l'institut Francais d'archeologie orientale, 1964.
2. Доктор Али Абу Ҳусайн. Фихрист махтутот ал-Баҳрайн. 1-жилд. – Баҳрайн: 1983.
3. Ибн ал-Мулаққан Сирожуддин. Ат-Тавзиҳ ли шарҳ ал-Жомиъ ас-саҳиҳ. – Дамашк: Дор ан-Наводир, 2008. – Ж.1.
4. Нур Усмания кутубхонаси каталоги. – Туркия: Маориф назорат жалиласи.
5. Нуриддин Муҳаммад Итр. Ил-Имом ал-Бухорий ва фикҳ ат-тарожим фи Жомийхи ас-саҳиҳ. – Кувейт. Мажалла аш-шариа ва ад-диросот ал-исломия, 1985. – Ж. 1.
6. Собрание восточных рукописей Академии Наук Узбекской ССР. – Т. IV. – Т.: Издательство Академии Наук Узбекской ССР, 1957.
7. Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут. Муассасат ур-рисала, 1985. – Ж. 12.
8. <http://data.onb.ac.at/rec/AC13944828>
9. <http://www.aghabozorg.ir/showbookdetail.aspx?bookid=77184>;
10. <http://www.almajidcenter>
11. <http://www.zakhair.net/showproduct.php>;
12. <https://search.lib.umich.edu/catalog>
13. <https://gallica.bnf.fr/ark>
14. <https://mawdoo3.com>